

Содикова Ш.Б.
ТДШИ, “Туркий тиллар”
кафедраси доценти в.б.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛ СИФАТИДА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада чет элликларга ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиши масалалари ҳақида сўз боради. Мутахассислар олдида турган қатор муаммолар санаб ўтилиб, уларнинг ечимлар тақлиф этилади. Бу ўринда таълим дастури, мавзули лугатлар, масоғавий таълим, электрон ресурслар каби масалалар борасида фикр билдирилади.

Аннотация: В данной статье идет речь о проблемах преподавания узбекского языка иностранцам в качестве иностранного языка. Был проанализирован ряд проблем стоящих перед специалистами и были предложены пути их решения. В связи с этим были высказаны идеи об учебных программах, тематических словарях, дистанционном обучении, электронных ресурсах и т.д.

Abstract: In current article problems of teaching Uzbek language for foreigners as a foreign language were described. Several problems faced by specialists were analyzed and ways of solving these problems were offered. In connection with it, opinions about education programs, thematic dictionaries, distance education, electronic resources etc were expressed.

Дунё ҳамжамиятида ўз мавқейи, обрў-эътибори, нуфузига эга бўлиб бораётган Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда халқаро алоқалари кундан кун кенгайиб бормоқда. Бу воқелик маданиятнинг қатор соҳаларида, жумладан ўзбек тилига бўлган эътиборда ҳам яққол қўзга ташланмоқда.

Бугунги кунга келиб чет элликлар томонидан ўзбек тилини ўрганишга бўлган интилиш, қизиқиш тоборо ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бир қаотр давлатлар, хусусан, Корея, Япония, Хиндистон, АҚШ, Буюк Британия, Хитойда мамлакатшунослик доирасида Ўзбекистонни ўрганишга эътибор қаратган илмий тадқиқот марказлари, олий таълим муассасалари мавжуд. Ўзбек тилини ўрганиш мақсадида республикамизга илмий тадқиқот институтлари ва ойли таълим муассасаларига ушбу марказлардан мутахассислар, изланувчилар, талабалар шунингдек, ўлкамизда тадбиркорлик фаолиятини олиб борамоқчи бўлаётган ишбилармонлик соҳа вакиллари ташриф буоришишмоқда.(2.)

Ўзбек тилини ўрганишга бўлган талаб ортиб бораётган ушбу вазиятда мутахассислар олдида чет элликлар учун замонавий талабларга мос равища тил ўқитишини йўлга қўйиш вазифаси турибди.

Бу вазифани амалга ошириш учун дастлаб,

- ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- тилни босқичларга бўлган ҳолда ўқитиш метродларини ишлаб чиқиш;
- дарсликлар яратиш;
- электрон ресурслар яратиш;
- мустақил таълим тизимини шакллантириш каби масалаларни ҳал этиш лозим.

Мазкур таълим жараёнини моддий-техникавий базасини такомиллаштириш, таълим жараёнида анъанавий дарсни ташкиллаштириш билан бир қаторда замонавий интерфаол таълим жараёнини йўлга қўйиш кабилар юқорида санаб ўтилган масалалар ечимини топишда самарали натижалар берада.

Маълумки, хорижий тилларни ўқитиш методикасининг умумий принциплари мавжуд:

- 1) Чет тил ўқитишнинг нутқий йўналганлик принципи;
- 2) Чет тилини чегаралаб ва яхлит ўқитиш принципи;
- 3) Машқларга асосий ўрин бериш принципи;
- 4) Тил тажрибасини ҳисобга олиш пириинципи. (1)

Юқорида санаб ўтилган тил ўқитиш методикасининг умумий принципларини инобатга олган ҳолда, ҳозирда замон талабларига қўра иш тутиб, ўзбек тилини чет элликларга жадал ўргатиш дастури бўйича ўқитиш усулинни йўлга қўйиш керак. Бунинг учун дастур ва дарсликлар яратиш зарурати бор.

Ўзбек тилини хорижий тил сифатида жадал ўқитиш учун қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади.

- Коммуникатив-нутқий, лексик-грамматик материални маълум бир тизим асосида бериш;
- имло қоидаларини ўргатиш;
- оғзаки ва ёзма нутқ кў尼克ма ва малакаларни чуқурлаштириш;
- луғатлардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- матн билан ишлаш кўникмасини шакллантириш;
- ўқувчилар сўз бойлиги ва нутқий малакасини ошириш;
- ўзбек халқининг миллий-маданий ўзига хосликларига оид билимларини кенгайтириш;
- нутқ маданияти борасида асосий зарурий билимларни бериш;
- ўқувчиларни эркин фикрлашга, мустақил мушоҳада қилишга ундаш.

Мавзули матн, унга мос суратлар, содда грамматик қолиплар келтирилган дарсликлар мазкур масаланинг ечими бўлиши мумкин.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида хорижий тилларни ўқитишда нутқий мавзулар доирасида дарсларни ташкиллаштириш кенг йўлда қўйилган. Бунда соддадан мураккабга қараб мавзулар ва сўзлар танланади. Тил ўрганиш албатта, бевосита ўрганилаётган тилда сўз бойлигинини оширишни кўзда тутади. Бунинг асосий синалган усулларидан бири эса луғат ишлаш.

Маълумки, тил ўрганувчи нутқий фаолият доирасида тўртта кўникмага эга бўлиши лозим. Булар ўқиш, тинглаб тушуниш, ёзиш, сўзлаш. Бу кўникмага эга бўлиши учун эса энг аввал сўз бойлигини ошириш ва дастлабки грамматик билимларни эга бўлиш талаб этилади. Бу талабни рўёбга чиқаришда “мавзули сўзлашгич” луғатларнинг ўрни мухим. “Мавзулий сўзлашгич” луғатларнида соддадан мураккабга тамоилига риоя қилинади. Маълум мавзу танланиб, уни мазмунини очиб берувчи сўз, сўз бирикмалари берилади ва танланган мавзуга мос диалог мисол тариқасида келтирилади. Бунда “фаолият доираси”, “фаолият тури”, “мулоқот жойи”, “мулоқот вазияти” каби жиҳатлар эътиборга олинади.

“Мавзули сўзлашгич” луғатларнида сўз, сўз бирикмаларини танлашда тил ўрганиш даражасини эътиборга олган ҳолда ёндошиш лозим.

Бошланғч билим даража – унда кундалик сўзлашувда зарур бўлган кўникмаларга эга бўлишни тақазо қиласди:

- Онсон қолиплар асосида мулоқотга кириша олиш;
- Содда тузилган матнни ўқий олиш;
- Оғзаки мурожаатни тинглаб тушуна олиш;
- Маълум лексик минимумни (1000 та сўз) эгаллаш.

Иккинчи даража – ўрганувчидан маълум грамматик билимларни, вазиятга мос лексикани танлай билишни, эркин сўзлашишни талаб этади:

- матнларни (20 дақиқада 400 та сўз) ифодали ўқий олиш;
- содда мазмундаги матнларни тушуниш;
- матнларда ифодаланган турли даражадаги ахборотларни тушуниш;
- 100-150 сўздан иборат бўлган ўртacha мураккабдаги матинни ўзбек тилидан она тилига, она тилидан ўзбек тилига таржима қила олиш;
- оғзаки мулоқот кўникмаларига эга бўлиш;
- маълум лексик минимумни (2-2500 та сўз) эгаллаш.

Учинчи даража – ўрганувчидан грамматик билим, оғзаки ва ёзма иншо малакасини, бадиий таржима кўникмасини талаб этади:

- диалогик ва монологик нутқ кўникмаларига эга бўлиш;
- тинглаб нутқни тушуна олиш;
- ўқилган ёки эшитилган матнни таржима қила олиш;
- берилган матнни қисқартира олиш;
- илмий, расмий, бадиий услубда ишлай олиш;
- маълум лексик минимумни (25000-4000 та сўз) эгаллаш,
- табрикнома, мактуб, ахборот хати кабиларни ёза олиш кўникма ва малакаларини эгалган бўлиши лозим.

Билим даражаси талаб доирасида лексик минимумни шакллантириш мақсадга мувофиқ саналади.

Шу ўринда хулоса қилиб айтиш мумкинки, жадал суратда тил ўқитиши қайси билим даражасини эгаллшга йўналтирилганлиги билан фарқланади. Талабга мувофиқ тарзда дарслик ва луғатлар тавсия этилади. Нечоғлиқ тил

ўрганувчининг сўз бойлиги кўп бўлса, унинг учун эркин мулоқот қилиш имконият ҳам шунчалик кенгаяди.

Тилини жадал равишида ўқитиш тизимли ёндашувни тақазо этади. Бу ўринда матн билан ишалш жуда қўл келади. Белгилаб олинган мавзулар доирасида оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш учун ҳар бир мавзуни мустаҳкамлаш, ўрганувчи сўз бойлигини ошириш, маълум мавзуларда эркин, мустақил равишида фикр баён этиш кўникмаларини шакллантиришга ёналтирилган матнлардан фойдаланишни тақазо этади. Оғзаки нутқни ривожлантиришга мўлжалланган матнлар мавзусини грамматик мавзулар билан мос равишида танлаш лозим. Бу билан тил ўрганувчининг ҳам назарий ҳам амалий билимларини оширишга, коммуникатив ҳамда грамматик масалалар эчимига эришиш мумкин.

Грамматик мавзуга мос лексик қолиплар ёрдамида мавзу мустаҳкамланади ва нуқтқий вазиятга мос матн – диалог ёки монолог шаклида берилади. Матн танлаганда содда қолипланган вариантлар маъқул, аста секинлик билан матнлар мураккаблашиб боради. Матн учун мавзу танланганда тил ўрганувчиларга қизиқ тушиш бўлган вазиятларга мос келувчилари танланса мақсадга онсон ва тез эришилади. Чет элликлар учун танланган матнлarda улар ўрганаётган тил халқ тарихи, маданияти, дунёқараши акс топса, тил ўрганувчилар учун қизиқ бўлади ва бу тил ўрганишларида ҳам муайян енгилликлар яратади. Мантга оид топшириқлар берилиб, улар видео ва аудио материаллар билан бойитилса, мақсадга муюфқ бўлади.

Хорижий тилини жадал ўргатишида хотира машқлари аҳамиятли. Ёдда сақлашнинг ўқиш, ёзиш, тинглаш, кўриш каби усуллари мавжуд.

Тинглаб ўрганиш (аудирование) азалдан тил ўрганишнинг самарали усулларидан ҳисобланади. Бу тажрибада синалган усуллардан бўлиб, тинглаш учун мўлжалланган матнлар ва машқлар тўғри талаффуз қилишни ўрганишда, оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришда жуда қўл келади. Матнни тинглаб туриб гапириб бериш, ситата келтириш, боён ёзиш, матнни давом эттириш каби топшириқларни бериш орқали мавзуни мустаҳкамлаш мумкин. Шу каби матн устида ишлаш жараёнида тил эгаллаш имкониятлари кенгаяди. Матн устида ишлаш ҳам назарий ҳам амалий аҳамият касб этади. Бу жараён босқичма босқич амалга оширилади:

Биринчидан, ўрганувчи билимини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, равон нутқни эгаллшга омил бўлади;

Иккинчидан, шунга ёналтирилган амалий машғулаотларда нутқий малака ва ижодий кўникмаларни шакллантирилади;

Учинчидан, мустақил фикрлаш ва баён этиш майлларини ривожлантиради.

Хорижий тилни ўрганишда мустақил таълиннинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди, чунки тил ўрганиш узоқ муддатли мураккаб жараён. Ҳозирги кунда янгича таълим олиш шакллари оммалашиб

бормоқда. Шулардан бири – масофавий таълим. Бу жараён мустақил билим олиш имконини беради. Бунинг учун фан соҳалари бўйича электрон дарсликларни яратиш, уларни амалда қўллаш, виртуал дарс жараёнини ташкил этиш каби ишларни амалга ошириш лозим.

Ўқув жараёнида қўллаш учун мўлжалланган электрон ресурслар унинг самарадорлигини оширишга имкон беради. Маълумки, электрон дарсликлар топшириқ ва амалий материалларни ўзида жамлаган ҳолда билимларни назорат қилиш ва сифатини ўша заҳоти баҳолаш имконини берувчи уйқори технологияли манба ҳисобланади.

Электрон дарсликларда ҳар бир мавзуга оид грамматик материаллар, машқлар, ўқиши учун матнлар, мустақил таълим учун топшириқлар ва турли шаклдаги назорат тестлари берилиши лозим. Уларда оддийдан мураккабга тамойилига риоя қилган ҳолда тил ўрганувчининг билим даражасига кўра машқлар танлаш инконини яратиш, мустақил таълимга етарлича эътибор қаратиш ва шуларга кўра бериладиган материалларни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Электрон дарсликларда бериладиган тест топшириқлари нафақат ўзлаштиришни назорат қиласди, балки ўргатувчи – ўқитувчи вазифасини ҳам бажаради. Мазкур тест топшириқларини ечиш жараёнида мавзуларни мустақил равишда ўзлаштириш ҳам қўзда тутилиши керак.

Электрон дарсликлар учун тест топшириқлари:

- мазмуни ўқув мақсадига мос келиши;
- тақдим этилган материалнинг муҳимлиги;
- илмий аниқлик;
- изчиллик ва мантиқийлик;
- ўзлаштириш даражасига кўра фарқланиши;
- самарадорлилик;
- баённинг содда, равон, аник ва тушунарлилиги;
- бир маънолилик;
- вақтнинг қатъий белгиланиши;
- ихчамлик;
- вариативлилик каби бир қанча талаблар доирасида шакллантирилган бўлиши лозим.

Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитилганда масофавий таълимдан кенг амалда фойдаланиш бугунги кун талаби. Бу йўл орқали таълим сифатини, самарадорлигини ошириш имконига эга бўлиш билан бир қаторда, ўрганувчиларнинг мустақил билим олишлари ва ўзлаштирганлик даражаларини тез, хаққоний аниқлаш мумкин. Бунинг учун юқори савияли электрон дарсликлар ва билимларни назорат қилиш тизими сифатида электрон тест топшириқлари мажмуаларини яратиш ҳозирда педагоглар олдиаги долзарб вазифадир.

Демак, тил ўрганиш ва ўқитиш мураккаб, давомли жараён уни амалга охириш кўп меҳнат талаб этади. Ўзбек тилини хорижий тил сифатида

ўқитишида жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда замонавий таълим усулларини йўлга қўйиш, таълим ресурсланинг сифатини ошириш, билим бериш жараёнини даражаларга бўлиш, таълим ресурсларини ва уларда берилган маълумотларни ўзаро мувофиқлигини тамиллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиши методикаси. Т.:Ўқитувчи,1996.–367 б.
2. Хорижликларга ўзбек тилини ўқитиши масалалари.Т.2014.–60 б.